



Mas'uliyati Cheklangan Jamiyat shaklidagi
AKADEMIK AUDIT
auditorlik tashkiloti

150103. Farg'ona shahar. B.Marg'inoniy ko'chasi 147. h/r: 20208000504337208001 MFO: 01043 ATB «Kapital Bank»
STIR: 205094982 IFUT: 69202 tel: +99891 664-94-82 web-sayt: akademik-audit.uz Email: akademik_audit@mail.ru

МУСТАКИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

**“YOZYOVON TUMAN YO'LLARDAN FOYSALANISH
DAVLAT MUASSASI” (ИНН:200170124) раҳбарига**

Фикр

Биз “YOZYOVON TUMAN YO'LLARDAN FOYSALANISH DAVLAT MUASSASI” нинг 2024 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботи, кўрсатилган санада тутаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботи, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботи, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботи, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қондаларининг қисқача тавсифи ва бошқа изохловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, молиявий ҳисоботлар “YOZYOVON TUMAN YO'LLARDAN FOYSALANISH DAVLAT MUASSASI” нинг 2024 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тутаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимлари ҳаракатини барча муҳим жиҳатларда Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ ҳаққоний тақдим этади.

Фикр билдириш учун асослар

Биз Аудитнинг халқаро стандартларигага мувофиқ аудит ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Биз компаниядан мустақил равишда Бухгалтерлар учун халқаро ахлоқ стандартлари Кенгашининг “Профессионал бухгалтерлар учун ахлоқ” Кодекси талабларига ва ахлоқий қондаларига, молиявий ҳисобот аудитига тегишли, ҳамда ушбу талабларга ва Кодексда белгиланган бошқа мажбуриятларни бажарганмиз. Биз олган аудиторлик далиллари фикримизни ифода этилишини тасдиқлаш учун етарли ва ўринли деб ҳисоблаймиз.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ва корпоратив бошқарув ваколатига эга шахсларнинг жавобгарлиги

Раҳбарият молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тўғри тақдим этиш учун, МХХС га мувофиқ фирибгарлик ва хатолик туфайли жиддий бузиб кўрсатилган молиявий ҳисоботларни тайёрлаганлик учун, ҳамда раҳбарият томонидан қабул қилинган ички назорат тизими учун жавобгар.

Молиявий ҳисоботни тайёрлашда раҳбарият корхона фаолиятининг узлуксизлигини баҳолашга, зарур ҳолларда узлуксиз фаолият билан боғлиқ бўлган ахборотларни ошкор этиш ва фаолият узлуксизлиги тахминига кўра ҳисобот беришга жавобгар, агарда раҳбарият томонидан корхона фаолиятини тугатиш, фаолиятни тўхтатиш ёки бошқа ҳолатлар мавжуд бўлмаса.

Корпоратив бошқарув учун масъул шахслар корхонанинг молиявий ҳисоботларини тайёрлашни назорат қилиш учун жавобгардир

Молиявий ҳисобот аудити учун аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг мақсадимиз аудит қилинаётган “YOZYOVON TUMAN YO’LLARDAN FOYSALANISH DAVLAT MUASSASI” нинг 2024 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳисоботи нојўя ҳаракатлар ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда ўз фикримиз баён қилинган аудиторлик хулосасини эълон қилишдан иборат. Ақлли ишонч ишончининг юкори даражаси бўлиб, аудитни халқаро стандартларига мувофик ўтказилган аудит мавжуд жиддий хатоларни аниқлай олишга кафолат эмас, бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади. Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади, биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошқор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Биз ушбу аудитнинг асосий масалаларини аудит ҳисоботимизда ёритамиз, ушбу масалалар тўғрисидаги маълумотларни ошқор қилиниши қонун ёки бошқа ҳужжатлар билан таъқиқланган ҳоллар бундан мустасно.

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Бизнинг аудит хулосамиз олинган аудиторлик далилларига асосланади, биз молиявий ҳисоботнинг тақдим этилишини, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошқор қилинишини ва молиявий ҳисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этишини баҳолаймиз.

Мустақил аудит ўтказган аудитор

Аудиторлик ташкилоти раҳбари
Фарғона шахри.

“19“ май 2025 йил



M.M.Султонов

M.M.Султонов

Аудитор малака сертификати №05426
29.10.2016 йилда Ўзб Рес. Молия вазирлиги
томонидан берилган, “Buxgalterlar va Auditorlar
imtixon markazi” томонидан муддати 29.10.2031
йилгача узайтирилган.